

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

2-2018  
апрель

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

## Аниқ ва табиий фанлар

## МАТЕМАТИКА

## Х.ҚОСИМОВ, Б.ТИЛЛАБАЕВ

Аралаш каср тартибли интеграллар ва ҳосилалар ..... 5

## ФИЗИКА, ТЕХНИКА

## Д.ЮСУПОВА

“Кейс-стади” методини физика фанига қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ..... 12

## КИМЁ

## М.НУРМАТОВА, С.РАШИДОВА, Д.РАШИДОВА

Пектиннинг полиметаллокомплексларини пахта уруғларининг ўсиши ва ривожланишига таъсири ..... 17

## М.ИМОМОВА, Б.АБДУҒАНИЕВ

Мотор мойлари таҳлилиниң тақомиллашган усуллари ..... 20

## Н.ТЎЛАКОВ, И.АСҖАРОВ, Ю.ИСАЕВ

1`-(п-оксифенил)ферроценкарбон кислота синтези ..... 28

## БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

## М.ШЕРМАТОВ, Э.БОТИРОВ

Анжир парвонаси (*Choreutis nemorana* Hb.)нинг биологияси ..... 32

## Ижтимоий-туманинтар фанлар

## ИҚТИСОДИЁТ

## Д.ҚУДБИЕВ, А.ТОШПЎЛАТОВ

Ишчи кучи баҳоси, даромад солиғи ва бандликнинг долзарб масалалари ..... 35

## М.АБДУРАХМОНОВА, Б.ТОЛИБОВ

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий сиёsatнинг асосий йўналишлари ..... 38

## ТАРИХ

## У.МЕЛИҚЎЗИЕВ, С.ЮЛДАШЕВ

Сипоҳсолор Бақр Фарғоний ..... 43

## Н.ҲАМАЕВ

“Туркистон” ва “Қизил байроқ” газеталари - Фарғонада шўро тузумига қарши қуролли ҳаракат тарихига оид манба сифатида ..... 46

## А.НИШОНОВ

Султон Сайдхон ҳукмронлиги даврида Фарғона водийси ..... 50

## ФАЛСАФА, СИЁСАТ

## И.АРЗИМАТОВА, Б.РАХМОНОВ

Фуқаролик жамияти шароитида шахсни эстетик тарбиялаш масалалари ..... 53

## Ф.ЮЛДАШЕВ

Жамиятда ёшлар фаоллигини юксалтиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари ..... 56

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

## Д.ҚУРОНОВ

Драматик асар композицияси ..... 59

## С.РАФИДДИНОВ, И.МАННОПОВ

Ўзбек мумтоз адабиётида ҳикматнавислик анъанаси ..... 66

## Б.МУХТОРАЛИЕВ

Болалар ички олами талқинида фольклорнинг ўрни (А.Обиджоннинг “Кезаргон бойчечак” қиссаси мисолида) ..... 69

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

УДК: 321+371.036

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАРОИТИДА ШАХСНИ ЭСТЕТИК ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

И.Арзиматова, Б.Рахмонов

**Аннотация**

Мазкур мақолада фуқаролик жамияти шароитида маънавий-ахлоқий қадриятларнинг аҳамияти, шахсни эстетик тарбиялаш масаласи ҳамда ушбу тарбиянинг мазмун-моҳияти ёритилган.

**Аннотация**

*В статье раскрыта роль духовно-нравственных ценностей в условиях гражданского общества, эстетическое воспитание личности, а также суть эстетического воспитания.*

**Annotation**

*This article discusses the importance of the moral values in the civil society, the issue of aesthetic education of personality and the content of aesthetic education.*

**Калим сўз ва иборалар:** фуқаролик жамияти, маънавий-ахлоқий қадриятлар, эстетик тарбия, шахс камолоти, баркамол авлод, бадиий-эстетик маданият, миллий ва умуминсоний қадриятлар.

**Ключевые слова и выражения:** гражданское общество, духовно-нравственные ценности, эстетическое воспитание, совершенство личности, гармонично развитая личность, художественно-эстетическая культура, национальные и общечеловеческие ценности.

**Keywords and expressions:** civil society, spiritual and moral values, aesthetic education, perfection of the person, mature generation, artistic and aesthetic culture, national and universal values.

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига асосланган янги жамият мустаҳкам маънавий-ахлоқий қадриятлар негизида барпо этилмоқда. Маданиятни юксалтириш ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, демократик тамойилларни қарор топтириш, ижтимоий-сиёсий жараёнларни бошқаришда муҳим омиллардан бирига айланиб бормоқда. Табиийки, бундай шароитда инсондан катта қобилият, самарали меҳнат, чуқур тафаккур маданияти ва юксак эстетик дид талаб қилинади. Бундай фазилатларнинг шаклпанишида бадиий-эстетик маданият алоҳида ўрин тутади. Зоро, Биринчи Президентимиз И.А.Каримов айтганидек, эркин ва фаровон жамият қуришда уни «Ўзлигимизнинг маънавий ҳамроҳига айлантирмасдан туриб, ана шу юксак мэрраларга эришишимиз, ҳаётимизни янада мазмунли, янада ёруғ ва ҳар томонлама мукаммал қилишимиз мумкин эмас» [1.305].

Жамиятимиз ҳаётида миллий ва умуминсоний қадриятлар мавқеи ва мақомининг ортиб бориши мустақилликни мустаҳкамлашнинг объектив зарурияти ҳисобланади. Янгиланиш жамият ва кишиларнинг эҳтиёж ҳамда манфаатларни ифодалайдиган мақсадга мувоғик, кенг қамровли, айни пайтда, мураккаб ва зиддиятли жараёндир. Унинг натижасида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида сифат ўзгаришларига

кенг йўл очилади, шу билан бирга, ҳар бир шахснинг ижодий имкониятлари кенгаяди, уни рӯёбга чиқариш шарт-шароитлари вужудга келади. «Одамларнинг ўзида жамиятни янгилаш ва ўзгартириш зарурлигига ишонч туғдирмасдан туриб, - деб ёзган эди Биринчи Президент И.А.Каримов, - ҳаракатлантирувчи кучларни ва қадриятларга муносабатни, далилий сабабларни ўзгартирмасдан туриб, ислоҳ қилиш йўлидан амалда олға бориш, айниқса, янги жамият барпо этиш, тамомила янги муносабатларни жорий этиш мумкин эмас» [2.178-179].

Жамиятни янгилаш аслида инсон тафаккури, дунёқарashi ва яшаш тамойилларини юксак мақсадларга йўналтириш, мазмунан бойитиш билан бошланади. Фалсафий жиҳатдан янгиланиш жараёнлари, ўзида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, ахлоқий, ташкилий соҳалар бир бутунлигини, кутиладиган ўзгаришларнинг конкрет оқибатларга олиб келишини, уларнинг давр билан бевосита узвий алоқадорлиги, тадрижийлиги ва, ниҳоят, бу ўзгаришларни инсон ва жамият томонидан тарихий зарурият сифатида идрок ва эътироф этилишини назарда тутади. Зоро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев айтганидек, «Ёшлигимизнинг мустақил фикрлайдиган,

И.Арзиматова – ФарДУ фалсафа фанлари номзоди, доценти.  
Б.Рахмонов – ФарДУ тарих йўналиши талабаси.

юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, баҳтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” [3.146].

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланиши, шунингдек, жаҳонда рўй бераётган мураккаб ўзгаришлар, айниқса, ўзаро маданий алоқалар билан боғлиқ жараёнлар республикамиизда янгича тизимнодавлат ташкилотлар, жамғарма, фонд, халқаро маданий-маърифий марказлар, хусусий фирмава маданий хизматлар каби тармоқларни вужудга келтирмоқда. Бу ҳол бадиий-эстетик қадриятларнинг амал қилиши ва тарқалиши учун кент имкониятлардан фойдаланишини талаб қиласди.

Инсон омили жамиятни модернизациялаш шароитида ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда. Уни миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунилигидага тарбиялаш негизида миллий ғоянинг асосий мақсад-муддаолари ётади. Шахс тушунчасининг структуравий таркибида эстетик қатлам интеллектуал, ахлоқий, жисмоний ва бошқа фазилатлар билан яхлит бирликни ташкил этади. Шундай экан, шахс эстетик тарбиясини юксалтириш инсон омилини фаоллаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Кейинги йилларда эстетик тарбия муаммоларига бўлган қизиқишининг кескин ортиши, унинг мақбулликдан ижтимоий зарур жараёнга айланиши билан боғлиқ. Бу ўз навбатида ҳам назарий, ҳам амалий характердаги илмий ва оммабоп адабиётларда ўз аксини топди [4].

Таъкидлаш жоизки, эстетик тарбия муаммоларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқишида маълум натижаларга эришилди. Эстетик тарбия кўп асрлар давомида кишилар эътиборини ўзига жалб қилиб келган; ушбу масала юзасидан баъзи муаммоларнинг классик талқинини Платон ва Аристотелнинг таълимотларидаёқ учратишими мумкин. Уларда аксарият ҳолларда санъатнинг инсонга тарбиявий ва бошқа таъсирлари ҳақида назарий таърифлар келтирилади. Эстетик тарбия назариясининг узоқ вақт мобайнида ихтиёрий мавжуд бўлишини, жамиятда

оммавий эстетик тарбия дастурига иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжнинг бўлмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Эстетик тарбиянинг туб моҳияти ҳар бир воқеада, инсонларнинг ижтимоий ҳаракатларида гўзаллик жиҳатларини кўриш ва ҳимоя қилиш ҳамда кенг омма ўртасида тарғибот ишларини мунтазам равишида олиб боришидир. Афсуски, айрим шахслар гўзаллик дегандага инсоннинг ёки содир бўлаётган ўзгаришларнинг ташки томонига ёки фақат мазмунига эътибор беришади. Асосий мақсад эса, ҳодиса ва жараёнларнинг ҳамда инсон ҳаётининг шакл ва мазмуни яхлитлигига ўрганилади, уларга нисбатан ижодий меҳнат, юксак маънавият асосида ёндашилади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда жаҳон тарихида илк бор ҳар бир кишини баркамол, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган меҳнатнинг фаол, онгли ва эркин иштирокчиси сифатида шакллантириш вазифаси кўйилди. Ҳаракатланувчи тизим сифатида фаолият кўрсатувчи жамиятнинг бутун фаолияти айнан шу турдаги одамларни шакллантиришга йўналтирилган.

Одамни тарбиялаш имкониятларининг спектри битмас-туганмасдир. Тарбия бу – индивидни жамият томонидан қабул қилинган ва қоида тусини олган тартибларининг умумийлаштирилган шакли асосида ижтимоийлаштиришдир [5].

Баркамол инсон - бенуқсон фазилатлар, баркамол хислатлар, мукаммалликнинг қонунлаштирилган намунаси эмас, аксинча, бундай инсон яширин имкониятларини юзага чиқарувчи, ўзини ижтимоий фаолият ва воқеликда энг мақбул намоён қилувчи инсондир. Бунинг натижасида барча асосий кўрсаткичлар бўйича маънавий, ақлий, жисмоний ҳар томонлама ривожланган кишилар ўртасида хилма-хиллик мавжуд бўлиб, у бундай жиҳатларнинг абстракт бирлиги эмас [6].

Эстетик тарбияни бошқача тушуниш ҳам мавжуд. Мисол учун, М.С.Каганнинг фикрича, “эстетик тарбия бу – фақат бошқа барча тарбиявий фаолиятнинг муайян томони, ёки ўзига хос аспектидир”]. Бу ерда ривожлантирилаётган нуқтаи назардан бирмунча фарқли тавсифни Г. З. Апресян беради: “Эстетик тарбия – жамият маънавий маданиятининг муҳим элементи ва шу билан бирга қудратли воситасидир. У – меҳнат,

## ФАЛСАФА, СИЁСАТ

маънавий ва жисмоний тарбия каби, тарбия шакли ҳисобланади” [7.14].

Эстетик тарбия инсоннинг ҳис-туйғу ва маънавиятига эстетик муносабат воситасида таъсир кўрсатиш механизми орқали амалга оширилади. Тарихдан ижтимоийлаштиришнинг эстетикадан ташқарида, мисол учун ўтмишда, кишиларга тан жароҳати етказиб жазолаш, ижобий ёки салбий омилларнинг соф биологик воситалар орқали бўлган йўллари ҳам маълум. Ҳақиқий гуманистик тарбия бундай усувларни рад этиб, уларнинг ўрнига эстетик таъсир кўрсатиш воситаларидан фойдаланади. Эстетик муносабат инсонларга хос бўлиб, бу маънода одамнинг воқеликка ижтимоий муносабатини англатади. Унинг ўзига хослиги шундаки, у зарур эмоционал кечинмалар акти билан якунланади ва бунда ҳаракат обьектига “холис, беғараз” муносабатда бўлиб, уни сақлаб қолишга йўналтирилади. Бу каби кечинмаларни биологик қониқиши эмас, балки ижтимоий эҳтиёж таъминлайди. Баравар микдорда эстетик кечинмаларни одамни ўраб турган табиат, илмий кашфиёт ёки илмий назария, маънавий ҳаракат, меҳнат жараёни ва меҳнат жараёнининг натижаси, бадиий асар келтириб чиқариши мумкин. Воқелик инсонга стихияли равища эстетик таъсир кўрсатади ва бу таъсир тарбия акти воситасида ташкилланади. Бундай тарбия эстетик тарбия деб аталади.

Таъкидлаш жоизки, бу ерда инсоннинг воқеликка эстетик муносабати деганда, бу жараён эмоционал реакция билан моҳият ҳодисаси билишнинг бирлиги ва кишининг бир бутун, бўлинмас тажрибаси билан мослиги сифатида тушунилади, бунда у ўзаро муносабатни аниқлайди. Моҳият ҳодисасида онгли ёки онгсиз, интуитив

англанган билан одам тажрибасининг мослиги ижобий, мос келмаслиги эса салбий баҳолаш-реакция уйғотади.

Ўз навбатида эстетик тарбияни икки хил – кенг ва тор маънода тушуниш мумкин.

1. Кенг маънодаги эстетик тарбия одамни эстетик ижтимоийлаштиришни институционал ташкилланган томони ҳисобланади. Бундай тарбиянинг мақсади – яхлит, уйғун, ҳар томонлама ривожланган, мукаммал шахсни шакллантириш. Бу маънода эстетик тарбия этик тарбиянинг муҳим, аҳамиятли бўлган лаҳзаси сифатида қамраб олади, бу ерда сўнггиси эмоционал-эстетик таъсирга йўналтирилган. Эстетика ҳақида шунга яқин маънода М. Горький: “Эстетика келажакнинг этикаси” деган эди.

2. Эстетик тарбиянинг иккинчи аспекти (тушунчанинг тор маъноси) – воқеликни эстетик ўзлаштиришга қобилиятни, оламнинг гўзаллигини тушунишни шакллантириш. Энди бу ерда унинг этик тарбиядан фарқли жиҳатлари ҳақида гапириш мумкин, чунки бу вазиятда гап шахснинг маънавий қиёфасини шакллантирилиши эмас, дид, таъбнинг шаклланиши ҳақида бормоқда. Эстетик тарбияни бундай тушуниш, биринчи маънодаги эстетик тарбия механизмини шакллантиради. Шундай қилиб, кенг маънода у йўналтирилган ижтимоийлаштириш воситаси бўлиб, биринчи тартибдаги восита ҳисобланади; тор маънода у ўзига хос воситанинг воситасидир.

Шундай қилиб, эстетик тарбия ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахсни шакллантирувчи мураккаб, кўп қиррали механизмдир. Албатта, бу жараённинг охир-пировардидаги мақсади, ўз ҳаётининг барча соҳаларида атрофидаги олам билан эстетик муносабатда бўлувчи инсондир.

### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Хафизизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. –Т.10 . – Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.3 . –Т.: Ўзбекистон, 2002.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлнимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018.
4. Джибладзе Г. Принципы эстетического воспитания. -Т. 1. –Тбилиси, 1971.
5. Человек и общество, вып. 9. Проблемы социализации индивида. – Л., 1971.
6. Гармонический человек. – М., 1965..
7. Вопросы теории эстетического воспитания. – М., 1971.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев, фалсафа фанлари доктори, профессор).